

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чика бошлаган. № 110 (6.599) 1988 йил 14 май, шанба Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 12 май куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида социал-тадқиқотларни ривожлантириш ва тегишли надрлар тайёрлаш «Ўзбекистон» масаласи кўриб чиқилди. Партия XXVII съездининг ва Марказий Комитет нейинги Пленумларининг меҳнатчилар ташаббусини кучайтириш, туб иқтисодий ислохот ўтказиш, жамиятни ҳар томонлама демократиялаш, унинг маънавий-ахлоқий соҳасини янгилаш йўлини амалга ошириш социология фанига социологик тадқиқотларнинг натижаларидан қайта қуриш даридаги иқтисодий жараёнларни бошқариш тажрибасида фойдаланишга сифат жиҳатидан янги талаблар қўйётганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш шартини яхшилаш, улар учун бир қанча имтиёз ва афзалликларни жорий этиш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш тўғрисида Бутуниттифоқ уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг тақлифларини қўлаб-қувватлади. Совет кишиларининг кенса авлодлари тўғрисида ҳамхўрлик қилиш ҳар бир меҳнат коллективининг, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг бурчи эканлиги таъкидланди. Ветеранларни ҳурмат қилиш ва уларга эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг эҳтиёжлари ва асосли талабларини тўла-роқ қондириш муҳимдир.

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кенсари ва инваллидлар учун интэрнат уйлар қурилишидаги қолдиқни бартараф этиш, уруш инваллидлари ва қатнашчиларининг, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг уй-жой шартини, шунингдек пенсионерларга медицина, савдо ва социал-маънавий хизматни яхшилаш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллашди. Улуг Ватан уруши йилларида мамлакат ичкаричилигидаги фидокорона меҳнати ва буюнқсон ҳарбий хизмати учун СССР ордени ва медаллари билан мукофотланган кишиларга уруш қатнашчилари учун белгиланган бир қанча имтиёз ва афзаллик-

ларни жорий этиш кўзда тутилди.


Кавказ довоин темир йўли қурилиш муносабати билан меҳнатчиларнинг хат-лавлари ва маълумотда эълон қилинган фикр-мулоҳазалар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Жамоатчилик билдирган мулоҳазалар ва тақлифларни эътиборга олиб, маъмур йўли лойиҳасини экспертизадан ўтказиш ва қўшимча равишда шухта ишлаб чиқиш зарур, деб топилди.

Сиёсий бюро «Ватан фалсафий фикри тарихидан» туркумини нашр этиш тўғрисидаги тақлифни маъқуллади.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети раисининг ўринбосари Т. Фува билан учрашуви якунларини кўриб чиқди. Учрашув КПСС билан ЯКПнинг ядро уруши хавфини тугатиш, ядро қуроллини бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун курашда самарали ҳамкорликни чуқурлаштиришга баб-баравар интилаётганларини кўрсатди, инқала партиянинг алоқалари ва ўзаро ҳамжиҳатлигини кенгайтириш имкониятини аниқлаб берди. Айрим масалаларга ёндашувларнинг бир-бирга мувофиқ эмаслиги КПСС билан ЯКПнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини чуқурлаштириш учун тўсиқ бўлмаслиги кераклиги таъкидланди.

М. С. Горбачевнинг Япония Социалистик партияси Марказий Ижроия Комитети раиси Т. Дои билан учрашуви натижалари ҳам маъқуллашди. Учрашув КПСС билан ЯКПнинг ядро уруши хавфини тугатиш, ядро қуроллини бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун курашда самарали ҳамкорликни чуқурлаштиришга баб-баравар интилаётганларини кўрсатди, инқала партиянинг алоқалари ва ўзаро ҳамжиҳатлигини кенгайтириш имкониятини аниқлаб берди. Айрим масалаларга ёндашувларнинг бир-бирга мувофиқ эмаслиги КПСС билан ЯКПнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини чуқурлаштириш учун тўсиқ бўлмаслиги кераклиги таъкидланди.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Тошкентлик ўқувчилар Сиэтлда

ВАШИНГОН. ТАСС мухбири Игорь Игнатьев хабар беради: Вашингтон штатида нашр этилувчи энг катта маҳаллий «Сиэтл таймс» газетасининг фотографи шодон ва шухтан ракс тушиб турган Мирсултон Мирзаэхмедовини суратга олган. Тошкентлик 12 яшар ўспиринининг сурати Совет Ўзбекистони поётахтининг ёш авиллари Сизтл мактабларининг бирда берган концерт чоғида олинган.

«Сафар ниҳоятда қизиқарли бўлган. Биз бир-биримизни ҳаққини тушуниб етишга ўргандик», — дейди «Вашингтон мидалл скул» мактаби ўқувчиси Мара Коллинс. — Бундай бориш-келишлар халқроқ муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беришига шубҳа йўқ деб таъкидлади у.

Тошкент билан биродарлашган АҚШнинг шимолӣ-ғарбий соҳилидаги шаҳар—Сиэтл аҳо-

лиси Ўзбекистон вакилларини қабул қилар экан, худди шундай меҳмондўстлик қилиш ҳаракатида бўлди. Боллар Сиэтлда ҳаминча оддий оилаларда яшайдилар ва бу нарса америкаликларнинг ҳаёти ва турмуши билан экиндан тенгишига имкон берди.

Вашингтон штатининг губернатори Бут Гарднер ва Сиэтл шаҳрининг ҳокими Чарльз Роберт ёш тошкентликларни қабул қилди. Олдий америкаликлар билан кўпдан кўп учрашувлар эса энг қизиқарли воқеалардан бўлди. Ўзбекистон кўни деб эълон қилинган 2 майда Сиэтлнинг катта-кичик 200 нафардан ортиқ аҳолиси тошкентлик меҳмонлар билан бирга шаҳардан ташқаридиги хушманзара Оракс оролга ҳайла чиқди. Улар биргалашиб совет қўшқинларини ўрганишда, хаттоки ўзбек тилининг бир лаҳзалик дарси ҳам

Бахтли одам

Умр оқар дарё. Унинг ўз йўли, ўз ўзани, ўз мавжлари бор. Жўшқин дарёга қараб турган кишининг дилдан нималар кечади, биласизми!

Дарё дастлаб, худди одамзот болалиқда ўт-овол бўлган наби, шўх ирмоқ бўлиб оқади. Йиллар ўтади. Тоғлардаги оппоқ қорлар қуёш тигида эриб, сув бўлиб ирмоққа тушаверади. Ирмоқ тошаверади. Қирғоқларни емирлади, дарё бўлиб тингунича қанча-қанча йўл босади.

Инсон ҳам ақл чирғоғи ёниб оққан қорани, ахшдан ёмонни ажратгунча талай йиллар, таъбир жонз бўлса, қанча ирмоқлар оқиб ўтади. Инсонни қамолот чўққиси сарни элтучи йўл бошига эса ўқитучи етаклаб келади. Шаҳримиздаги 38-мактабда 32 йилдан бери ёш ёлдоғида таълим бериб келётган СССР халқ маорифи аълочиси, методист-ўқитувчи Абдуғаффор Раззоқўжаев ана шундай ҳаёт сарбобларидан бири.

Ўттиз икки йил! Нақиргон бир йилгитининг умри. Юзда табассум, тилида хушмуомала, дилида эса ўз касбига эъзоз, муҳаббат мавж уриб турган бу кишини мактаб педагогик коллективни ҳам, маҳалла-қўй ҳам ёзат-хурмат қилади.

Ўқидан яхши ният билан отлаиб чиққанда, биринчи одилларидоқ ўшбу сўзин эшитади: — Ассалому алайкум, муаллим!

Нега энди «муаллим»? Нима учун «яхшим одам» ёки «олижаноб инсон» дейишмайдил? Шунинг учунки, муаллим инсонларнинг инсон, ахлоқларнинг ахлоқи, олимларнинг олижанобиридир. Акс ҳолда у келажак эгалари — болаларни соф юракли, эзгуликка чанқок қилиб тарбиялай олмайдилар.

Айтгандай, Абдуғаффор Раззоқўжаев қайси фандан дарс берадил? Расм ва чизмачилиқдан. Демак, мураббий болалар қалбига гўзалликка, табиғатга илк ўқунини пайдо қилади, унинг алағи олишига замин яратеди. Бу осон иш эмас.

Абдуғаффор ака бўш қолди дегунча юрт кезади. Энг яхши лавҳаларни танилайди. Шу лавҳалар ҳақида ўқувчиларига хикоя қилиб, чарчамайди. Болалар эса ўқитувчи эхтирос билан ҳикоя қилган манзараларни кўз олдларига келтириб, мароқ билан сурат чизадилар.

Кўчадан чехрасида қуёш ёниб бир киши кетпти. Унга ёшувқарни пешвоз: — Ассалому алайкум, муаллим!

Ҳар бир салом унинг юрак тўлқинига яна бир мавж қўшади, унинг бахтиёр яшаётганидан нишона беради.

Бу бахтли одам кишинининг чароғбони — ўқитувчидир.

Т. ЙУЛДОШЕВ.

СУРАТДА: Абдуғаффор Раззоқўжаев неваралари Фазлиддин ва Фавзиддинлар билан.

Т. Қаримов фотоси.

Активликни оширайлик

Шаҳар партия ташкилотларида ўтаётган коммунистлар аттестацияси партия сафларининг принципал ва талабчан қўриғи бўлишига даъват этилган. Ҳозир қарий 1700 партия ташкилотларида ана шундай қўриқ ўтатилади. Ҳозиргача 14 минг КПСС аъзоси жиддий имтиҳондан ўтди. Маъмур коммунистларнинг ҳар етти нафаридан бири шартли равишда аттестация қилинди ёки аттестациядан ўтмади. Аттестация натижалари бўйича қарий 1300 коммунист партия йилгилиларида муҳокама этилиб, уларга партиявий жазо берилди. 162 киши КПСС сафидан чиқарилди.

Бошланғич партия ташкилотларида коммунистлар аттестациясини ўтказиш комиссиялари раисларининг кеча бўлиб ўтган шаҳар семинарида ана шундай ҳақида гапирилди. Семинарнинг Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети уюштирди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков семинар қатнашчилари ҳузуринда «Коммунистлар аттестацияси — партия ташкилот-

лари жанговарлигини оширишнинг муҳим воситасидир» мавзусида доклад қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуринда партия тарихи институтининг катта илмий ходими Н. И. Личагина коммунистлар аттестацияси борасидаги тажрибалар ва проблемалар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Шаҳар корхоналари, ташкилотлари, муассасаларида бўлиб ўтган секция машғулотларида семинар қатнашчилари аттестация комиссияларининг иш тажрибаларини, уларнинг фаолиятини тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

Ўтказилган семинар, шакл-шўбаси, асосий мақсади коммунистлар активлигини, партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишдан, бешаро, лоқайд партия аъзоларидан ва коммунист комиссияларнинг шахслардан катъият билан қутулишдан иборат бўлган мураккаб ишда аттестация комиссияларининг раҳбарларига аниқ йўналишни ташлашда ёрдам беради.

С. АЛЕКСЕЕВ.

АХБОРОТ

Олимлар суҳбати

Тошкент маданият-оқартува техникуми ташкил бўлганига 50 йил бўлди. Ярим аср мобайнида шаҳар ва қишлоқлар учун маданият ҳодимлари етиштириб беришда салмоқли иш қилди. Кутубхоначалар, клуб ҳодимлари ҳозирги қайта қуриш ва ядаллаштириш ишлари бораётган бир пайтда маданият ишларининг савиясини кескин ошириш борасида қизғин иштирокчилар.

Яқинда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон

Нашриёт ҳиммати

«Юдузча» шахримиздаги кенжа нашриёт. Унинг ташкил топганига кўп бўлган йўқ. Бироқ у ўзининг нашр этган адабиётлари билан китобхоналар ҳурматида сазовор бўлмоқда. Болаларга атаб талай қизиқарли китоблар чикаришмоқда. Нашриёт коллективни айна пайтда ибратли ишлар билан ҳам жақсон ўқувчиларини хурсанд қилимоқда.

«Юдузча» Тошкентдаги 21-ва Китоб районидаги 7-болалар уйларида ўз оталигига олиб аёқоиб ҳиммат кўрсатди. Болалар масканларига ҳар томонлама маънавий ёрдам беришмоқда. Болалар уйларида кутубхоналарига 500 тадан ҳар хил адабиётлар тўхфа қилинди.

Афғон диёрида «зангори олов»

Яқинда СССР Газ саноати министрлигини ташаббуси билан Ўзбекистон газ ишлаб чиқариш корхоналарининг мутахассислари Афғонистон Республикаси халқига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида у ерда бўлдилар. Савар ишчиларига кўра дастлаб Шибиргон шаҳри қонарлар, кейинроқ эса Мозори Шариф шаҳрининг аҳолиси «зангори олов» ҳароратидан баҳраманд бўлади.

Бу ишларни амалга ошириш учун поётахтининг «Ўзгирпрогаз» республика лойиҳа институтининг инженер ва техник ҳодимлари жуда қисқа фурсатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб бердилар. Шибиргон шаҳрида узунлиги 9 километрдан зиёд табиий газ етказиб берувчи пўлат қувурлар ўтказилди.

Бундан ташқари яқин ойларида қўшимча 16 километр масофада «зангори олов» етказиб берувчи пўлат қувурлар етказилиб, Ироқ шаҳри Шариф шаҳри аҳолисига ёқилми етказиб берилади. Бу ишларин «Ўзбекгаз» трестининг кўмаги билан амалга оширилади. Қўшим Афғонистон дёбрида яқин кунларда газ тақсимлаш пункти ва бошқа нишоотлар қурилиши ишлари қизиб кетади.

Етиб борган «зангори» ёқилмадан фойдаланишда Бухоро газчилари яқиндан ёрдам берадилар. Шу кунларда Афғонистон Республикасига газ плиталари, қувурлар ва бошқа зарур техника асбоб-ускуналарни мутахассислар юборилмоқда.

Д. РАҲМОНОВ.

«Ўзгирпрогаз» лойиҳа институтининг инженери.

Моҳир ижрочи концерти

«Баҳор» концерт залда Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти, Мухтор Ашрафий номадаги Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчиси, Ўзбек Давлат концерт-филармонияси бирлашмасининг солистки, таъниқли аҳолиочелчи Оркулмаева концерт бўлиб ўтди. 1979 йили Римский-Корсаков номадаги Ленинград Давлат консерваториясининг аспирантурасини таъмоллаган санъаткорнинг кейинги йилларда ижрочилиги борасидаги истеъдоди яққол кўзга ташланмоқда. У жаҳоннинг машҳур композиторларни И. С. Бах, И. Брамс, Р. Шуман асарларини маҳорат билан ижро этади.

Ўзбекистонлик музика илосомандлари моҳир ижрочининг концертмейстер Флора Умарова жўрлигида ижро этган В. Вивальди, Л. Франккер асарларини қарсақлар остида юқори баҳолашди. Мароқли бўлиб ўтган концерт программасини музикашунос Юля Презумент олиб борди. Ранг-баранг садолардан иборат бўлган иккинчи қисми концерт тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

Ишчилар учун

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йилгитини ноқили тукува ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари учун бирлашмада кўпгина қулайликлар яратилмоқда. Ҳозир бу ерда озиқ-овқат, сабзавот ва меваалар билан савдо қиладиган магазин ишлаб турибди. Бундан ташқари бир қатор махшиқ хиз-

Афғон диёрида «зангори олов»

Яқинда СССР Газ саноати министрлигини ташаббуси билан Ўзбекистон газ ишлаб чиқариш корхоналарининг мутахассислари Афғонистон Республикаси халқига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида у ерда бўлдилар. Савар ишчиларига кўра дастлаб Шибиргон шаҳри қонарлар, кейинроқ эса Мозори Шариф шаҳрининг аҳолиси «зангори олов» ҳароратидан баҳраманд бўлади.

Бу ишларни амалга ошириш учун поётахтининг «Ўзгирпрогаз» республика лойиҳа институтининг инженер ва техник ҳодимлари жуда қисқа фурсатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб бердилар. Шибиргон шаҳрида узунлиги 9 километрдан зиёд табиий газ етказиб берувчи пўлат қувурлар ўтказилди.

Бундан ташқари яқин ойларида қўшимча 16 километр масофада «зангори олов» етказиб берувчи пўлат қувурлар етказилиб, Ироқ шаҳри Шариф шаҳри аҳолисига ёқилми етказиб берилади. Бу ишларин «Ўзбекгаз» трестининг кўмаги билан амалга оширилади. Қўшим Афғонистон дёбрида яқин кунларда газ тақсимлаш пункти ва бошқа нишоотлар қурилиши ишлари қизиб кетади.

Етиб борган «зангори» ёқилмадан фойдаланишда Бухоро газчилари яқиндан ёрдам берадилар. Шу кунларда Афғонистон Республикасига газ плиталари, қувурлар ва бошқа зарур техника асбоб-ускуналарни мутахассислар юборилмоқда.

Д. РАҲМОНОВ.

«Ўзгирпрогаз» лойиҳа институтининг инженери.

33-57-02 Алло, редакциями? 32-55-35

«Ишончли мулоқот»

ХУРМАТЛИ ОҚШОМХОНЛАРИ! «Тошкент оқшом» газетаси редакцияси қошида ташкил этилган «ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ»нинг телефон орқали навбатдаги учрашуви 16 май, душанба кўни соат 10 дан 12 гача, сўнг соат 14 дан 16 гача бўлади.

«ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ» суҳбатига 16 май, душанба кўни «Тошкент оқшом» газетасининг ходими Фарруқ Раҳимов навбатчилик қилади.

Ҳаёт сабоғи - ақл чироғи

Машҳур форс шоирларининг май ва унинг зарари ҳақида битилган баъзи рубойи ва фардларини ўзбек тилидаги шарҳи билан ҳурматли оқшомхонларини ташнаитирамиз.

Кибрий ҚАҲҲОРОВА,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Душанба зи қўйи майфурушон
Паймонан май ба зар харидам.
Анқун зи хумор саргаронам
Пул додому дарди сар харидам.
Жалолиддин МУҲАММАД,
Душанба кун майфурушларининг
растасидан ўта туриб бир
пиёла майни олтинга сотиб олдим.
Эндиликда хумори тутиб, пул
бериб бош оғриқ сотиб олдим деб
пайшаймон бўлиб ўтирибман.

Ғам аз дили ту ратл дамодам
Бибарад
Ғам бурд, вале оо хирадаш
Якжо бурд
Дигар нахўрам майни маро
ҳам бибарад.
ГАВҲАРИЙ,
Май ичсанг барча ғаму анду-
ҳингни унутсан, дейишди. Ҳар
бир пиёла ичган майнинг, ҳасрат-
надоматининг олиб кетади дейи-
шди. Дуруст, шаробини ичганим-
дан кейин ҳамма ташвишларим
ни ҳам унутдим. Лекин ақду ҳу-

шмини ҳам олиб кетди. Агар яна
ичсам, кўраман: ўзимни ҳам олиб
кетсини ҳеч ғам эмас.

Доно нахўрад шаробу мастий
накунад
бо таъби баланд майли мастий
накунад.
Хушбахт касе бувадин авқоти
азиз
Сарфи ҳавасу ҳавопарастий
накунад.
Расон ХУРОСОНИЙ,
Доно киши май ичиб бадмаст-
лик қилмайди. Шунча нозик таъб
билан паст ишларга қўл урмайди.
Хушбахт бахтиёр деб ўша одами
айтиш мумкинки азиз-умрини ҳар
хил бўлмағур нарсалар, яъни ҳа-
вою ҳавасга сарф қилмайди.

Накунад донот мастий, нахўрад
оқил май
Наниҳад марди хирадаш
суи мастий пай.

Ҳаким САНОНИЙ,
Эс-ҳуши жойида бўлган одам
шароб ичиб бадмастлик қилмайди.
Билиб туриб ўзини қудуққа
— чоғга ташламайди.
Май махўр бисёр агарчи
бошадад соқий Хизир
К—ончи ямрўз оби ҳайвон
аст фардо оташ аст.
Бобо ФИҒОНИЙ-ШЕРОЗИЙ,
Соқий Хизир бўлган тақдирда
ҳам шаробини меъридан кўп ичма,
чунки бугун оби ҳаёт-ҳаёт суви
бўлиб кўринган нарса эртага огу-
га— заҳарга айланиши мумкин.

XIX Ўн учинчи конференция

Мақдур конференция 1924 йилнинг 16—18 январда бўлиб ўтди, унинг ишида 123 делегат ҳал қилувчи овоз билан, 222 делегат маслаҳат овози билан қатнашди. Конференция «Партия қурилиши тўғрисида», «Дискуссия ижтимоий тўғрисида ва партиядаги маънавий буржуа оғмачилиги тўғрисида», «Иқтисодий сўбатнинг навабдаги вазифалари тўғрисида», «Халқаро аҳвол тўғрисида»ги масалаларни муҳокама қилди.

Конференция капитализмдан социализмга ўтish даврининг объектив эҳтиётлари, ундаги хилма-хил ҳўжалик формалардан, бозорнинг мавжудлигидан келиб чиқаётганини асослаб берди.

Конференция партия билан ишчилар алоқасини кўчайтириш, партиянинг пролетар идросини кўчайтириш, бунинг учун унинг сафига ишчиларни қабул қилишни енгиллаштириш, қишлоқ камбағалларини ҳам партия, камбағаллар комитетлари, ер ва ўрмон ишчилар союзига тортиш, энгилларга партия гоийий таъсирини кўчайтириш, партия ва ишчи демократиясини мунтазам амалга ошириш лозим, деб қўрсатди. Конференциянинг «Ишчи демократиясини партия ҳаётининг асос муҳими масалаларини барча партия аъзолари томонидан очиқ муҳокама қилиш эркинчилигини, шунингдек раҳбарлик давронларига қўйилган ишчиларнинг ва коллегияларнинг насадан юздорлиги сайланганини билдиради» деган қондас ҳозирги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташқари унинг таъкид ва ўз-ўзини таъкид тўғрисидаги, партия аппаратини систематик равишда янгиллаб туриш тўғрисидаги тақлифи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Конференция ишчи ва деҳқон депутатлари Советларига сайловларда янги кишиларнинг сайланганини эътибор бериш керак, партия билан партиянинг ишчиларини ҳам ўтказиш керак, кадрларни танлаш зарур деган вазифалар ҳам қўйдики, бу вазифалар бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган.

Конференция троцкийчилар оппозицияси пайдо бўлиши сабабларини, оппозиция чикишлигининг характерини, гоийий моҳиятини таҳлил қилди ва амалий ҳулосалар чиқарди. Ғам шундаки, конференция арафасида оппозиция партия сўбатининг асосий масалаларига қарши чиқиб, партиядаги кампания уюштира бошлаган. Бу далилларнинг бутун мамлакатга тарқатилиши, «Кураниш мисли кўрилмаган даражада кескин тус олди», бу оппозицияга Троцкий партия чикишлик қилди. Троцкий партия аппаратини бузишда айблади, ишчилар партиянинг асосий кадрларига қарама-қарши қўйиб, партия—

ишлардир, деб исботлашга уринди. Конференция оппозиция, аслида «Большевик»нинг ревизи қилишга уринишига эмас, фақат тўғридан тўғри ленинизмдан чет-нашга чиқувчи оғмачиликка эмас, балки яққол йодолашган майда буржуа оғмачилиги ҳақидир», деган ҳулосага келди. Бу оппозиция майда буржуазиянинг пролетар партиянинг позицияларига ва унинг сўбатига бўлган таъйирини объектив равишда ақс эттирилаётганлиги шубҳасиздир, деб баҳо берди.

Конференция партиянинг гоийий поклиги учун, унинг майда буржуа томондан чулганлиги қарши курашини кўчайтириш зарурлигини қўрсатди, меҳнатқиллар ўртасида партия ишчи кўчайтиришга қарши, партия ички демократиясини таъминлаш ва кенгайтириш, яъни каларини мустаҳкамлаш, улар составининг сифатини яхшилаш чораларини белгиллади, РКП (б) тарихини, ленинизмни ўрганишга қарши.

Конференция резолюциясида қўйилган сўзлар ёзилган: «Пролетар революциясининг бундан кейинги муваффақиятларининг асосий шарт РКП(б)нинг, яъни пролетар диктатурага раҳбарлик қилувчи партиянинг мустаҳкам бўлишидир. Партиянинг бирлиги пролетар авангардининг асосий бойлигидир. РКП(б)нинг бирлигини кўз қорачиқдек сақлаш зарур». Конференция оппозицияга зарба бериб, партия бирлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Конференция иқтисодий сўбатининг навабдаги вазифаларини муҳокама қилди. Пятаков, Преображенский, Сапронов, Коспоров, Редак, Смирнов санаот товарларига юқори нархи қўйиб қилиш ва чет эл капиталига янада кенг иштиро этиш тўғрисидаги троцкийчилик талабини илгари сурди. Бу талабин қабул қилиш деҳқонлар аҳволининг оғирлашуви, демак, ишчилар синфини билан деҳқонлар иттифоқида путур, етказиш ҳисобланарди. В. Коспоров эса меҳнат уюмдорлигини меҳнат иш ҳақи тез ўткиш керак, деган талабини илгари сурди. Бу талаб эса халқ ҳўжалигининг тез ривожига тўсиқ ҳисобланарди. Шу босида конференция бу резолюциясида партиянинг талабларини рад этди ва ўз иқтисодий сўбатини маъқуллади.

Конференция ташқи савдо монополиясининг аҳамияти ва ундан келадиган даромадларнинг ўсиб бораётганини қўрсатиб, уни бундан кейин сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади. Айни бир вақтда у хусусий капиталнинг совет савдо системасига путур етказиб қилиши, давлат ва кооперация савдоини ривожлантиришга, аҳолининг, айниқса, деҳқонларнинг истеъмол

модаларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қўрсатма берди, хусусий капитал ишлаб чиқараётган буюмларнинг нархларини тартибга солишга қарши. «Биз шунга эришмоғимиз керакки, — дейилди конференция резолюциясида, — омманвий истеъмолчи бўлган ишчи ва деҳқонлар кооператив ва давлат савдоининг хусусий капитал асосида ташкил қилинган савдодан устун турганлигини очиқ аниқлаб олишлар». Бу қарор хусусий капитал таъсирини қисқартиришга қаратилган эди. Конференция молия сўбатинида червон барқарорлигини сақлаб қолиш, пул реформасини охирига етказиш Совет ҳокимиятининг асосий вазифаларидан биридир, деб қўрсатди. У план асосида ишларни кўчайтириш зарурлигини таъкидлаб, Госпланининг энг яқин орадаги вазифаларини белгиллаб берди, план асосида раҳбарлик қилишнинг аҳамиятини қўрсатди.

Конференция бир қанча муҳим асосий ҳулосаларга келдики, бу ҳулосаларнинг бир қисми ҳозирги экономикани боққаришни тубдан яхшилашга қаратилган иқтисодий реформаларини амалга ошириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, қишлоқ ҳўжалигини интенсификация қилиш, қишлоқда кооперацияни ривожлантириш, санаотда меҳнат уюмдорлигини ўстириш, хилма-хил чикирларнинг қисқартириш, меҳнат уюмдорлигининг ўсишига мувофиқ равишда иш ҳақини ошириш, социал масалаларни ҳал қилишга эътиборни қаратиш каби конференциянинг қарорлари бугунги кун учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Конференция чекка миллий республика ва областларда маҳаллий аҳоли билан савдо алоқасини юртишда ҳам давлат ташкилотлари, ҳам кооператив ва хусусий ташкилотлар маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш кераклигини таъкидлаб, эътибор беришларига лозим, деб қўрсатди. Бу қарорда ленинча миллий сўбатининг таркибий қисмларидан бири ўз ифодасини топди. Конференциянинг «Халқаро аҳвол тўғрисида»ги резолюциясида — Маркавий Комитетининг йўл тўғрисидаги таъкидлаб, бу йўлнинг маъқуллаб, Радекнинг Германия масаласидаги нотўғри йўлини, яъни у ердаги синфини кўчларга нотўғри баҳо беришини аарарди, деб изоҳлаб ўтди.

Конференциянинг ҳужжатлари оппозициянинг гоийий эмигрантликнинг, партия бирлигини, унинг СССР-да социализм қуришининг В. И. Ленин ишлаб чиққан планини изчилик билан жорий қилинаётганини намоийин қилди.

А. АКРАМОВ,
тарих фанлари доктори.

Оҳанглар жаранги

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи... Бу даргоҳқа кирган ҳар бир киши ҳаяжонга тушиб, ҳайратланмай чиқиб кетиши маҳол. Остонадан киршингиз билан санъатга эҳтиром туйғуларини сизинг аланечуқ қилиб юборади. Ҳа, ижоднинг, ҳақиқий санъатнинг умрбоқийлигига тан берасиз... Уларни яратган қўл ва қалб ишчиларининг, бири муқовадан ажраб кетган, яна бири қайси бир томонга йўқ қилинган эди... Наҳотки, дейсиз ажабланиш. Шунда суратларни бу ҳолга кириши учун таъмирловчиларининг хилма-хил таёғарлик ишларини сўнгига ижодий ишлар бошланганини маълум қилади. Эҳ, менимча бундан кўра янгидан сурат чизиб қўя қолган маъқул экан... Шунинг айтадиларки деярликки ямағунча эсинг кетади, деб хаёлани қилсанг бўласиз... —Ижодий иш эса илмий ишга ҳамоҳанг, бунда аниқлик ва нафислик зарур, бусиз мумкин эмас... Бу ишлар кўлами нихоятда кенг, ана шу мураккаб, зеҳн ва иродатлаб ишда устозим Тошкентнинг таъбирий санъат бўйича моҳир, истеъдодли таъмирловчи Абдулла Йўлдошев хизматлари бекиёс...

Устозга эҳтиром туйғуларини унинг ишларида кўришди. Тошкентнинг кўз қарашлари ҳам улкан санъат намуналарини уларга етказган кишига



Бизнинг номимиздан раҳматлар айтиб дегетгандай... Миннатдор туйғулар... Кимдир уни сўз орқали дафтарга қайд этиб, кимдир бир умрга ўзи билан бирга олиб юради. Музей директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Совет Иттифоқи Қўрамоний Самғи Абдуллоев Абдулла Йўлдошев ҳақида нихоятда илиқ гаплар айтди. — Узининг бутун онгли умрини шу музейда ўтказиб, Абдулла Йўлдошев. Мен уни 40 йилдан бери шу ишда эканлигидан яхши хабардор-

ман... Таъбирий санъат бўйича барча таъмирловчи ишлар унинг қўлидан ўтган... Қўлидангина эмас, қалбидан, ашурадан ўтиб томошобинларга ҳавола қилинган. Таъмирловчи осон иш эмас, игна билан қудуқ қазишдан яхшироқ шакл қилиш, лекин оқибати яхши бўлса умум мулкчи, умум севинишга сабаб бўлади. Биз таъбирий санъат бўйича 1-категория таъмирловчиларининг фохрланамиз. Нимасини айтаёсиз, жаҳон танган санъаткорлар ва энг танилган рассомларнинг ҳам

Ҳар тўғрида

УЗОҚ ИШАВДИГАН БУЛИШДИ
АҚШ соғлиқни сақлаш министрининг статистик маълумотларига мамлакатда умр кўриш ўртача 74,6 ёшга етганлигини маълум қилди. Америкаликларнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилиб, тамакидан, алкогольдан воз кеча бошлашгани, энг муҳими, жисмоний машғулотларни одат қилиб олишганини узоқ ишлашга олиб келмоқда. ЖАХОН ВУЗЛАРИ ШЕДА Суриялик Андуа Азуа уч йилу 7 ой давомида 35 минг километр масофани пайда босиб ўтди. Энг узоқ давом этган саёхат чоғида Европа, Америка, Африка ва Яқин Шарқнинг кўпгина мамлакатларида бўлган Андуа уйга қайтиб келганидан кейин гулчамбар ва от билан мукофотланди. САЛОМАТЛИК МУЗЕИНИ Болгариядаги Варна шаҳрида 9 йилдинки, саломатлик музейи ишлаб турибди. Утган вақт ичида музейни 500 минг томошбон келиб кўрди. Туртта тематик бўлимдан иборат музейда 250 ўринли кино зали ҳам бор. Бу ерда таширф буюрувчилар тоифасига қараб, энкурсиллар ташкил қилинади. БАЛИҚ — ЮРАК ВАЛЗАМИ Баллиқ — юрак учун ҳақиқий балзам экан. Ҳар кун иш ўртача юз грамм баллиқ истеъмол қиладиган японлар ва эскимослар юрак ва юнтомир хасталикларига чалинмагани ҳам ана шундан. Голландияда ўтказилган тадқиқотларнинг шохидлики беришича, кунинга 30 грамм баллиқ истеъмол қилган кишининг инфаркта чалиниш хавфи 50 фоиз камаяди. Қолаверса, баллиқ мойи қондаги холестеринни намайитиради. Мунтазам баллиқ еб турган кишиларда холестерин миқдори 27 фоиз камаяди. ЖАНАЖАЛДИНИНГ КЕРАГИ ПУҚ Польша Халқ Республикасининг Лани деган шаҳарчасида 1874 йилда тутилган Камила Василевска яшайди. 114 ёшли онахон ўзини бардам ҳис этади ва овқатини ўзи тайёрлайди. Узоқ умр кўриш сирини унинг ўзи шундай изоҳлайди: «Ҳеч ким билан жанжаллашмадим. Эри билан атиги бир марта — биринчи жаҳон уруши бошланганидан аввал аралашиб қолганимиз, холос...» Тўпловчи Р. ЮНУСОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

Икки хил фикр

ПРАГА. Чехословакия пойтахти иқтисодий сўбатининг тролейбуслар қўйиб бўлган бўлиб 15 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бироқ кейинги вақтларда газеталар саҳифаларида ва прагалликларнинг суҳбатларида: экология жўнатдан зарарсиз бўлган ана шу транспорт турини қайтариш вақти келмаганини, деган фикрлар тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда.

Тергов бошланди

БЕЛГРАД. Бихач шаҳрида (Басния ва Герцеговина) Югославия ҳўжалик раҳбарларининг катта гуруҳи ишчи юзасидан суд бўлиши. Улар «Агрокомерс» агро-ноат бирлашмасида жуда катта миқдорда молиявий фирибгарлик қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлар. 9 ойлик терговдан сўнг Югославиядаги энг йирик юзта корхонадан бири бўлган мақдур фирма-

Бувижон, ўқиб беринг

Орол ва қизча

Хикоя

Ойодларнинг ҳовлиси ўзи ихчамгина-ю, жуда тушхаво, салқин. Шаҳар марказидан шарақлаб оқадиган катта арчи уларнинг ҳовлисини дўндади. Лекин сувини ички мумкин эмас. Чунки ифлос. Одамлар ҳар хил ахлатларни ташлашди. Арчин қишда — сув қуриб қолган пайларда қурсангиз. Консерва, қисқа бангалар, пақир, жом, тери, камер балонлар, ишша, латта-пўталлар. Ҳў-хў, қўвверинг. Одамлар нималарни ташлашмаган. Эз пайларда сув бетига керишгани, безимини қилқиллаб оқди. Чунки, машина, тракторларни ювишди.

Ойоданинг дадаси Пулатжон ака роса бўлилади. Сувга ҳеч нарса ташламаган, яхшимас, деб қўшиниларга бирма-бир айтиб чиқадди. Бировлар билан сен-менга ҳам боради. Барбир ташлашаверади. Нима қилиш керак! Одамларга тушунтириш осонмас-да. Шунинг учун улар фақат кран сувидан ичишади. Қўларини ҳам шу сувда ювишади. Ойода кўришмоғининг юзини ҳам арчи сувда ювишади.

Бугун дам олиш кунини. Улар узум сўрсини остида тушлик қилиб ўтиришди. Ойоданинг дадаси Пулатжон ака олинди. Ойис Ойингул ая ўқитувчи. Улар кўп ўқийшади. Уй тула китоб. Пулатжон ака қиз-қизлик гаплар гапириб беаодди. Бирорта газета-журнал ўқиб ўтириб таъсирланиб, бугунги кетади. Бугун ҳам шундай бўлди.

— Сув тобора камаяиб, Орол қуриб борапти, — деди дадаси ойсига. — Оқибатда атрофини туз, қум босаяпти. Ҳаво бузиляпти. Балликлар ўлиб бўлди. Парранда-даррандалар бошқа томонларга учиб кетишди Оролни ташлаб.

Бу гапларни эшитиб турган тўрт яшар Ойода дадасига юзланди. — Агар Оролда сув бўлса, болалар, балликлар ўлмай қолмади-а, дадажон! — Ҳа, қизим. Сув бўлса ҳеч нарса ўлмайди. Чунки сув — ҳаёт! Табнат, жамият тириклиги сув билан, — деди дадаси. Ойода ўзиндан туриб шовиб ташқари чиқиб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб кирди.

— Юрн дада, кетдик. Оролга шу сувни қўйиб келайлик. Була қолинг, ая болалар, балликлар ўлиб қолмагани, — деди у ташвишланиб. Дадаси билан ойсига Ойодага, унинг қўлидаги ўйинчоқ пақирча тўла сувга тикилганларича ҳайратланиб қолди. Ота-онанинг вуқудлари галати бўлиб кетди. Пулатжон ака Ойодани бағрига босди: — Раҳмат қизим, раҳмат! Қаерда раҳматлик, меҳр-оқибат бор экан, ўша ерда ҳеч нарса қурмайди. Мурғам қалбин билан сенки Орол ташвишини қилганимни, демак Орол қурмайди.

Тўташ АШУРОВ.



Афғонистонлик дўстларимизга совға

«Тошкент — Ойбоқ» — ана шу адрессга Ўзбекистон пойтахтидан Саманган вилоятининг маъмурий марказига совға жўнатилди. Контейнерларга лиотиплар, матбэа машиналари, бошқа жиҳозлар ортилган эди. Уларнинг ҳаммаси Ойбоқда ишлаб турган босмахонани кенгайтириш учун мўлжалланган. Бу ускуналар ва жиҳозлар монтаж қилишда ва соझлашда ўзбекистонлик мутахассислар ердан бердилар. Босмахонани кенгайтирилиши «Саманган» вилоят га-

Тошкент оқшоми • 2-бет.

«Рақсининг туғилиши»



СССР Давлат мукофотининг лауреати, rassom Баҳодир ЖАЛОЛОВ билан суҳбат

Баҳор фаслининг учинчи ойи май неми жисмига мос. Айни шу ойда жамки до-даракхлар ҳосилга киради. Шафтолининг қирини, олманин оппоқ, ўриннинг ним-пушти гуллари назарингизда оламни мевага тўлдириб юборгандек.

Бу сатрларин юрагим эриниб ёзаётганим бежиз эмас. Ўзбекистонда икки баҳор бор. Бирини фаслар эркан бўлса, бирини халқимизнинг эркани, «Баҳор» рақс ансамбли.

— Баҳодир Фазлитдинов, Сиз рақсини юлдузи Мукаррама Турғубоева билан учрашганинми?
— Афсуслар бўлсинки йўқ. Лекин улар икки этган дилрабо рақсларини томоша қилиб тўймадим. Айниқса, «Муножот» рақсини. Мукаррама опа рақс икки этмасдилар, рақс орқали юракларини гоҳ ўртаб, гоҳ илҳомга тўлдириб қўшиб икки этардилар. «Баҳор» ансамблининг қизлари икки этган рақсларини кўриб шундай фикрга келаман. Мукаррама опа шу қизларнинг ҳар бири нафис ҳаракатида тирик янаитти.

— Тўғри айтдингиз. Ажойиб рақс — маҳорат билан ёзилган китобнинг ўзини. Мукаррама опа бири бирдан гузал рақсларини икки этди. Мен Мукаррама опа билан кўргангаимиз деб бекорга сўрамадим. «Баҳор» концерт залы фойеси деворидан юнмунгал расмини назарда тутганимми?
— Сиз расмининг композициясини назарда тутганинми?
— Уни ҳам, кейин суратдаги Мукаррама Турғубоева шу қадар жонли, чиққан-ки, кўрган киши автор шахур рақсга ҳаётини чуқур билади деган фикрга боради.
— Мукаррама опа билан учрашганинми. Чунки у

Ансамблининг қачон ташкил топгани, унинг босиб ўтган йўли ҳақида такрорлаш ниятимиз йўқ. Тилга олишимизда эса ўзинга хос сабаблар бор. «Баҳор» сўзини эшитиб юз жудимизга чашма сувининг шилдирашидек ором юради. Унинг асосчиси СССР халқ артисти Мукаррама Турғубоева ҳам баҳор сингари йишаб қолди маданиятимиз тарихида...

тарош, бастакор — хуллас, ижод аҳлининг ҳаммасида бир асар яратиш учун босиб ўтган йўлини, унинг ҳомиши пухсалари ва ниҳоят тайёр нухсаси.

— Мен аввало ўз асарларимда нимани ва қандай ифода этишни керак? Қўнлар, ҳафталар давомида сюжет устидан бош қоридим. Хореография билим юртида бир неча марта бўлиб, рақосларнинг ҳаракат, образларини ўргандим. Ниҳоят, ҳозирги кунга келиб тайёр бўлдим. Икки томонда рақослар, улар халқимиз салғатининг зашмалари тарзида ифода этилган. Ўртада эса Мукаррама Турғубоева, шу чашмаларнинг бирлашган денгизи... Пойида гуллари.

— Мукаррама Турғубоева асарда қайси рақс икки этатган ҳолда тасвирланган?
— Буни ҳам қўй ўйладим. Охири икки рақсга тўхталдим: «Тановар» ва «Муножот». Мен «Муножот»ни танладим. Асарда Мукаррама Турғубоева шу рақс икки этатган ҳолда тасвирланган.

— Асар ҳажми ҳақда...
— 60 квадрат метр.
— Жуда каттаку?
— Бундан каттасини ҳам ишладим. Қўндоғи Ҳамза

— Баҳодир Фазлитдинов, рақсининг илдизлари фольклорга боғлансин, халқ ижодкорлиги ҳар бир рақсининг асоси деган фикр чиқсини?
— Шундай бўлсинки, рақсининг илдизлари фольклорга боғлансин, халқ ижодкорлиги ҳар бир рақсининг асоси деган фикр чиқсини?
— Ўйлаб қўришга ваъда бердим.
— Ўйлаб қўришини ҳолати йўқ, — деди Серго Михайлович. — Бу ишни Сиз уйдальасиз.
— Ишлаш жараёни қандай кечди?
— Ёзувчи, rassom, ҳайкал

Миттигина кампирнинг Бор эди жуфт экинчи, Ховлисидан эрта-кеч Келар эди сут ис. Акд билан турмушини Тебратлар очини, Жақжигина хурмада Тайёр эди қатини. Келганда меҳмонга Яқин уруг-аймоғи, Шокосада сузилиб, Турар эди қаймоғи, Невааро чевари Қунаб-йираб юришар, Нордон-шўртак қуртларини

Турмушда шу сабаб Баракано қўт эди. Бил отрини билмасди, Тўқсонга кирганда ҳам Кампир эди қўн қувонқ. Кампир эди қўн бардам. Бизлар эдик кампирга Невааро чевари. Ҳар бир ўғил — Бахтижон, Ҳар қиз эди — Севара. Кетди кампир ҳаётдан, Унутмайиниз биз сира, Қолди ундан мангута Бир инсоний хотира. Қамбар УТАЕВ.

УҚИГАНИМ кўнглимда анчадан бери ивир-чивир бўлиб юрган бир воқеани айтмоқча туртки бўлди чоғи. «Ўзимники» бўлиб қолшининг ҳолати йўқ. Унга «Она»нинг сўнги тилаги ёни шикаста дил нола-сининг ҳеч ҳам алоқаси йўқдек. Аслида эса нимадларнинг уларни қизил ип билан боғлаб тургандек.

Ушанда, қан-қаттагина қизалоқ эдим. Қизлар ва ўғил болалар алоҳида ўқир эдик. Агар битта-ярипта бола билан кўча-қўйда галлашиб қолсайлик, кечкурун уйда нақ мушт кетти бўларди. Бизнинг оилада эмаску (ота-онани ҳамма нарсасга тўғри баҳо берадиган одам эдилар) бошқа хонадонларда бундай нарсалар тез-тез учраб турар эди.

Нима бўлди-ю, бизни Наримонов номли 15-мактабдан Ўдубек номли 16-мактабга ўтказишадиган бўлишди. Ўзини бошлаб юбордик. Ҳарқалай 16-мактабнинг ховлиси анчагина кенг, синфлар ҳам, унчалик тур эмасди. Кириваришда чап томонда ховли билан бир пахса девор ажратган камгаққина жой бор эди.

Қуналардан бир кунни кутилмаганда ана шу ховлидан дод-фарёд эшитилди, йини-сини... Билардикки, бу хонадондан кимдир сўнги манзилга кузатиларди. Азода, мактабга келатуриб, беги боғланган кишиларга кўзимиз тўшган эди. Қазо қилган киши хойнахой ёш эди. Шу шу ҳар кунни бир неча бор қўлиниқидан йини овози келиб турарди. Йигирла орасидан, айниқса, бир аёлнинг айтиб-айтиб, ўқиниб-ўқиниб йилгани эшитиларди: у оназор нола қилиб йиларди. Бора-бора биз бу овозга ўрганиб бўлдик. Болалар — гўрлик эмасин, азанинг азоб-укубатлари ва аламлари четлаб ўтган биздек болалар учун дарсдан чалғининг бир йўли гўё томоша эди.

Бутун ўша воқеани тушуниб, идрок этиб эласам, юрагим орқамга тортиб кетарди. Онанинг ўша фарёди қулгоғида ҳамон эшитиларди. Ушанга ҳам қарий қир-қир беш йил бўлгати. Аммо менга етти ёш бегона бўлган аёлнинг, бир вақтлар мактабда ўқиб юрганидан аёлнинг нолаи фиғони ҳамон эшитиларди. Қизчининг хатини ўқиниб, унинг онаси менга негидир сочини юлиб дод солган ўша аёлни эслатгати. Қўни аёлнинг нолаи негидир қиз онасининг нолаи ва тилагини қўнлиб эшитилгати. Қўни аёл фарзанд дотда куйди. Йетишсин билан табиат адолатчилигига қарши қўзғолоқ кўтарган эди. Бу аёл-чи, бу она-чи? У поклик ва аёл фариталиги йўлида ҳурбон бўлди. У ёлғизнинг нечоғди бахтли бўлишини орзу қилди, унга яхши ниҳат билан тилади. Бари бир онанинг ўзи ҳам нола қилиб кетди. Гарчи яқиннинг қўлоқларида фақат унинг «Бахтли бў!» деган сўзи янграса ҳам, аслида у фиғон билан айтган эди бу сўзи.

Оналарнинг тилаклари қиз бола учун муқаддасдир... Оқ ҳарир қўйлакни ниҳоят кечасида бир бора кийиб улар учун қандай муқаддас бўлса, онанинг сўзи ҳам шунча муқаддасдир: «Бахтли бў!» Ҳа, ҳаммамизни фикрлашга, ўйлантиришга даъват этатган қизча ҳам ўз бахти ҳақида ўйлаётти. Шу босондан редакция ҳаммага, уч-тўрт қўйлакни олдин йиртган кишиларга ҳам мурожаат этипти. Ҳаётда хато қилиб қўймай деб, қўнлини очиб гапир-апти.

«Онанинг сўнги тилаги ёни шикаста дил нолаи» мақолаида келган фикр-мулоқоқ «Лаэги»га чалади. Шу музикаларга мос равишда ўйин билан инсон ўз ўрнини топа олади деб ўйлайман... (бу мувозарали фикр). Синглим, ҳеч қачон шоманам. Ҳали ёш экансиз, ўйлаб иш қилинг. Ота-буваларимиз айтмоқчидек, етти ўлчаб эмас, еттиш ўлчаб бир кесган маткулроқ бўлса керак.

Саксон ёшли Ж. Абдуллаев фамилиядаи отахонимиз мақолага бефарқ қарай олмаганлар. Қўнли-лиш, худди ўзларнинг фарзандларини турмушга бераётгандек қўнлиш билан ёшадилар: «Сени Қаримга турмушга қиқшининг мумкин деганлар.

«Онанинг сўнги тилаги ёки шикаста дил нолаи»

«Тошкент оқшомини», 1988 йил 11 февраль

ҳазади хатлар 300 дан ошиб кетди. Қўнлида улардан парчалар эълон қилинган газетта саҳифалари, келган хатлардан айрилди. Вақтдан фойдаланиб, уларни ўқинишимизга вақолат берган ўртоқларга раҳмат айтмоқчиман. Ҳа, биронта хат шунчаки ёзилган эмас, унда неча-неча «оғзи қўйган», қўнлига ўртанган кишиларнинг юрак андозаси ётади. Биронта хат ҳам ўзидан-ўзи ёзилган эмас, чунки ҳар бирда ўзинга хослик бор. Қўнгунақ қўнли бор. Уларни бир-бир мўтола қиламан, Мақтублар рўй-рост ўз маъноси жиҳатидан иккига ажралган. Бирлари қизчага лўнда қилган Қаримжонга турмушга чиқарар, деб маслаҳат берса, бирлари эса бошқача фикр юратди. Ҳаётини кўрган билан, борди-келидига тушуниган ўртоқларнинг қўнлини иккичи маслаҳатга қўнлишадилар. Тўйгевалик Раффор ака Халилов бундай ёшадилар:

— Хурматли қизим, бунинг отанг меҳри билан айтман. Сен редакцияга хат йўзлаб жуда тўғри иш қилгансан. Бу йўлда хато қилмаслик учун фурсат етарли.

Яна бир хатини — Тошкент области, Қалнин районидан Фарида Ғулмонова йўзладилар:

— Тақдиринг ўз музикалари бўладикки, бу музикалар гоҳ «Тановар»га чалса, гоҳ «Лаэги»га чалади. Шу музикаларга мос равишда ўйин билан инсон ўз ўрнини топа олади деб ўйлайман... (бу мувозарали фикр). Синглим, ҳеч қачон шоманам. Ҳали ёш экансиз, ўйлаб иш қилинг. Ота-буваларимиз айтмоқчидек, етти ўлчаб эмас, еттиш ўлчаб бир кесган маткулроқ бўлса керак.

Саксон ёшли Ж. Абдуллаев фамилиядаи отахонимиз мақолага бефарқ қарай олмаганлар. Қўнли-лиш, худди ўзларнинг фарзандларини турмушга бераётгандек қўнлиш билан ёшадилар: «Сени Қаримга турмушга қиқшининг мумкин деганлар.

ШАНБА ОҚШОМИ

Уч гузалнинг бири

Кўнча, аммо йилдан-йилга навқирон бўлиб бораётган шахримизда тонг отаяпти. Кўш ҳали Тянь-Шань тоғининг гарбий тизмалари ортда бўлса-да, унинг заррин нурлари аста-секин осмону фалакдан туннинг қора пардасини йиғиштириб, Момо Ернинг ёритиб юбораяпти. Мане, ўзини қўлда куттирмадан қўш тараздек қип-қизил бўлиб шарқ томондаги уфқда пайдо бўлди.

Шундай субҳидамда чор-атрофини сайр қилишининг гашти бор. Ер усти кўк духоба нимча кийинги қизлардек ясанган. Айлиниб юриб қўнлар орасидан япроқлари юлдузчасимон энди уиниб чиққан ва бўйи 5-7 сантиметр бўлган гулли қўриб қолдим. Унинг шудрин билан қопланган тешки қўнлиниш пурпирок Тянь-Шань, Олой ва Помир тоғларида учраб турадиган бир гулли эслатди. Кутилмаган учрашувдан ажабланишдан энди кайиб, унга яқиндан разм солдим. Бу, мен тоғларда кўрган гул эмасди, лекин у ўзини ўхшатиш билан ёшли йилларим тоғма-тоғ сайру саҳбат қилганларимни эслатди.

Менинг эвланим олган бу гулли биринчи бор Олой тоғида кўргандим. Унинг бўйи 5-10 сантиметр бўлиб, япроқлари худди юлдузчаи эслатади. Япроқлари майда, лекин қалин тўққалар билан қопланиб бу унга куранг тус бериб туради. Бу гул қўнроқ тоғ ёнбағирларида, шомолдан пенакор бўлган жойларда тўп-тўп бўлиб ўсади. Унинг номи — Эдельвейс.

Эдельвейс мамлакатимизда Карпат тоғида ва Ўрта Осиёнинг Тянь-Шань, Олой ва Помир тоғларида тарқалган. Бу гулнинг номи бутун дунёга тарқалган. Европанинг кўпчилик давлатларида ансамбль, кафе ва ресторанилар эдельвейс номи билан аталади. Немис фашистларининг сараланган армияларидан бирига (буни афсус билан айтмайиз) эдельвейс номи берилганди.

Эдельвейснинг баъзида мардик ва севири гапига деб хисоблашарди. Бу гапда ҳам жон бор.

Бир донишманддан: «Бу дунёда нима гўзал, — деб сўрашган экан. У: «Дунёда энг гўзал, бу — аёллар, ёш болалар ва гуллари», — деб жавоб берибди. Дарҳақиқат, одамлар ҳар куну бу учта гўзалликни қараб тўймайдилар, эвланмадилар ва эртанги кунга меҳод оладилар.

Аскар АҚБАРОВ, география фанлари кандидати.

сиз гапини эшитмадик, бу воқеани ота ҳам, Қарим ҳам, энди алаҳақон билинган бўлса керак. Чунки газетда бу ҳақда гапир-апти, фикр юртгалипти. Ота ва Қаримжон у даражадаги бефарқ одамлардан эмасларки, воқеани тушуниб олган бўлмасалар. Бундан ташқари халқимизда «Гап эгасини топади» деган мақол ҳам бор.

МЕНИНГ ҳам қизчага айтадиган алоҳида гапим бор.

— Синглижоним, Сизнинг ҳисларингизни ўзингизга ўзингизга унчалик ҳисоб берманга бўлсангиз керак. Мен уни фақат экинсизга солмоқчиман, холос. Сизда бир ҳиссиёт борки, у бир умр Сиз билан бирга бўлади. Бу онанига бўлган меҳрининг ва онанингнинг ўзини сабаб бўлган воқеа. Шунинг оқиш айтманки, ҳали бери Салим акага бўлган нафратингиз тугалланмайдиган, эҳтимол у мангудир. Шундай экан, Сизга доимо ўша оини эслатиб турувчи йинг билан турмуш қўришингиз кераклигини яна бир ўйлаб кўринг. Отангиз Сизни Қаримжонга тегасан, деб зўрламаётган бўлсалар керак! Ҳа, вақтинки келиб, Сиз онангиз қўнлига озор берган, номусига тажовуз қилган, беномус Салим амаки билан учрашиб қолсангиз, Бошқача қилиб айтганда, Салим амаки «динини ютиб» Сизнинг хонадонингизга келиши мумкин. Ушанда яна қўзқўз билан тўқнашадиган. Сиз Салим амакини кўриб, «қайини отангиз» бўлгани учун улангансиз қўнлининг ерга олишти ёки отажон, деб қўришинга мажбур бўласиз. Ундан кўра...

Ҳали бахтинингизнинг ўн гулидан бир гули очилгани йўқ. Биз қўнлимадан келганга ҳамма қатори фикр айтмайиз. Биринчи она бўлиб, биринчи она бўлиб маслаҳатини бераверамиз. Лекин ҳеч қачинки Сизни мажбур қила олмаймиз, Чунки инсонга насиб этган даламизлик бор, шахсий ҳуқуқ бор. Биз Сизнинг ана шу шахсий ҳуқуқларингизни янчиб ўтмаймиз. Бир қўнлик тўй ўтати-кетати, лекин умр савдоси...

Мен гапини шу ерда тўхтатая. Чунки бу қиз тақдирини мени ҳамон ўйлатмоқда.

Яйра САЪДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Ленин комсомолда мукофоти лауреати.

РЕДАКЦИЯДАН: шу билан «Онанинг сўнги тилаги ёки шикаста дил нолаи» бахсини якунилаймиз. Газетанинг 1988 йил 27 февраль, 5 март сонларида шу мақола юзасидан хатлари кўнли қилинган ва бугунги бахс якунига ўзининг дил сўзларини, маслаҳатларини ёзиб бизга йўллаган гапларини билдирамиз.

Менинчадан Шухратхон ИМЯМИНОВА таржималари.

Турфа олин
ЕШИ 40 АСРГА ТЕНГ САРВ ДАРАХТИ
Дунёда энг кеска сарв дарахти Мехликода ўсади. Унинг ёши 4 минг йилга тенг.
ОЧИҚ ҲАВОДА ЕМГЎР ОСТИДА ЧЎМИЛИШ



Шри-Ланка аҳолиси қўшиб қиздира бошлаган тонг саҳарда ишга отланганда ҳар сафар ёмғир томчилай бошлайди. Ҳаво очиб, осмонда ҳеч қандай булут кўринмасам ҳам ҳар тонг ана шундай бўлади. Сабаби дарахтларнинг япроқлари тунда ўрлиб олиб, ўзларида шабабини йиғилади. Эрталаб эса улар ўз ҳолига қайтиб, ўтган-кетганлар устига ёмғирдек сув тўқади.

ЯНГИ ДЕКРЕТ

Эндилкида пиёда юриш ўрнига велосипедга сайр қилишни хуш қўрувчи бразилиялик ҳарбий қизматчиларга катта лавозимдаги ҳарбий қизматчиларни кўрган заҳоти велосипедни бир ёққа қўйиб, саломлашишга тўғри келмайди. Бразилия президенти Ж. Сарней расмий равишда эълон қилган ҳукумат декрети билан устарида кўзда тутилган ана шу вазифа бекор қилинди.

Ана шу ҳужжатнинг остида мамлакат қуролини кўчлари бош шайбон бошлигининг имзаси ҳам турбди. Аммо ҳарбий формадати велосипед шинавадиларининг истаги юксак даражада ҳали тўла қондорилган йўқ: декретда олдинда катта лавозимдаги раҳбарни кўрган ҳарбий қизматчи ҳаракат тезлигини пасайтириш, бутун диққат-этиборини транспорт воситасини боқаришга қаратиш лозим, деб қайд этилган. «Бу талабни турчила тушуниш мумкин», деб ташвишланишмоқда велосипедда тез юриш ишқибозлари.



Янги декрет, деб хабар беради ҳукумат, армиядаги интизолий устави бирмунча юмшатишга қаратилган. Аммо сафсатабозликни хуш қўрувчилар, айниқса қўни ва ўрта лавозимдаги ҳарбийлар маълум уставининг айрим қоидалари чинакам масхара боқилишини ўш, деб ҳисоблашмоқда. Масалан, унда ҳайвонларга инсбатан қўлол бўлганларга бўлиш мана этилган. Уставининг маълум банди кўнроқ танқидга учраётганлигининг сабаби шундаки, бу талаб фақат давлат мулк билан ҳайвонларга алоқадордир. Унда уш ҳайвонлари билан қўлол муомалада бўлиш мумкин экан-ди?

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

— Эшитишимча қайианинг дахшати насалга муфтаво бўлган эдимиз?
— Касаликна насалкуни, аммо соғлигини дахшатли!
— Нега уйланимангиз?
— Ҳар доим сенинг хотининг тўғрида ўйлайман!
— Нима бўлди, хотинини севиб қолдингми?
— Йўқ, аммо худди сенинг хотинингга ўхшаганига уйланиб қоламани, деб қўнрапман.

ОБЪЕКТИВДА — ФИНЛЯНДИЯ

Арво Илпе Финляндиянинг энг кеска графдалардан биридир. Ҳаётда у 100 ёшига тўлди. У ўзининг бутун оилаи ҳаётини бола-ларга бағишлаган, 74 йил педнарт бўлиб ишлаган. Арво Илпе қатор мукофотларнинг лауреати. Унга қўнлар-қўн фахрий унвонлар берилган. Бутун мамлакатда у Финляндия болалар соғлигини муҳофаза этиш марказининг бош ташкилотчиси сифатида шуҳрат қозонган.



СУРАТДА: Арво Илпе энараси билан сайр вақтида. Лектику — ТАСС фотоси.

